

ТАСАВВУФ ГЕРМЕНЕВТИКАСИ: ИРФОНИЙ ТАФСИРЛАР

Холмўминов Жаъфар Мухаммадиевич,

фалсафа фанлари доктори (DSc),

ISFT институти “Гуманитар ва табиий фанлар” кафедраси

профессори

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Тасаввуф илми доирасида шаклланган Қуръони каримнинг “Ирфоний тафсири” тушунчаси, “Ирфоний тафсир”нинг турлари, ушбу тафсир турининг ўзига хос жиҳатлари, унга тегишли бўлган “таъвил” тушунчаси, “таъвил”нинг Қуръон ирфоний тафсиридаги ўрни каби масалалар таҳлил ва тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: *Тасаввуф, Ирфон, Тасаввуф герменевтикаси, Қуръони карим, тафсир, таъвил, ирфоний тафсир, ирфоний таъвил.*

SUFI HERMENEUTICS: SUFI TAFSIRS

Kholmuminov Jafar Muhammadiyevich,

Doctor of Philosophical sciences (DSc),

Professor of the Department of “Humanities and Natural Sciences”

ISFT Institute (Tashkent)

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

ABSTRACT

This article analyzes and examines such issues as the concept of “Sufi/Irfani interpretation” of the Holy Quran, which was formed within the framework of Sufi teachings, types of “Irfani interpretation”/, features of this type of interpretation, the concept of “ta'wil” to which it relates, and the role of “ta'wil” in Sufi interpretation of the Quran.

Keywords: *Tasawwuf, Irfan, Sufi hermeneutics, Holy Quran, tafsir, ta'wil, Sufi tafsir / mystical interpretation, Sufi / mystical ta'wil.*

СУФИЙСКАЯ ГЕРМЕНЕВТИКА: СУФИЙСКИЕ ТАФСИРЫ

Холмунинов Джафар Мухаммадиевич,

доктор философских наук (DSc),

профессор кафедры «Гуманитарных и естественных наук»

Института ISFT (Ташкент)

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются и исследуются такие вопросы, как понятие «суфийского/ирфанического толкования» Священного Корана, сформировавшееся в рамках суфийского учения, виды «ирфанического толкования», особенности этого вида толкования, понятие «та`виль», к которому оно относится, роль «та`виля» в суфийском толковании Корана.

Ключевые слова: Тасаввуф, Ирфан, суфийская герменевтика, Священный Коран, тафсир, та'виль, суфийский тафсир, суфийский та'виль.

Муқаддима

Мазмун-моҳиятига кўра Тафсир илмига, услуб ва талқинига кўра Тасаввуф илмига тегишли бўлган “Ирфоний тафсир” (التفسير الصوفي – تفسير عرفاني) Тасаввуф герменевтикасининг энг нодир қисми ҳисобланади. Негаки, ирфоний тафсирлар қўл билан санокли бўлиб, улар қисман араб ва асосан форс-тожик тилларида ёзилган.

Аслини олганда, X асрдан бошлаб Тасаввуф назарияси ва фалсафасига оид араб ва форс-тожик тилларида ёзилган барча тасаввуфий асарларда, хусусан, Ҳаким ат-Термизий (тахм.138/755) – 320/932), Абу Наср Саррож (ваф. 378/988), Абу Бакр Калободий (ваф. 994-95) ва Мустамлий Бухорий (ваф. 434/1043), Абулқосим Қушайрий (998-1072) ва бошқа мутасаввиф олимларининг китобларида Қуръони карим оятларига истинод қилинган ва уларга гоҳида қисқа, гоҳида муфассал ирфоний тафсирлар ҳам ёзилган.

Форс-тожик тилида ирфоний тафсир ёзиш анъанаси XI асрда Хожа Абдуллоҳ Ансорий(1006, Кухандиж, Ҳирот – 1089, Козургоҳ, Ҳирот)нинг “Ирфоний тафсир”и билан бошланиб, Мустамлий Бухорийнинг “Тафсир”и (форсийда ёзилган, аммо бизгача етиб келмаган) билан давом этган бўлса, XII асрда фикҳда шофеий мазҳабига, усулда эса “Ҳадис аҳли”га эргашган машҳур мутасаввиф, қуръоншунос ва ҳадисшунос олим Абулфазл Рашидиддин Майбудий (Абулфазл Аҳмад ибн Абусаъид Мухаммад ибн Аҳмад (Маҳмуд)

ибн Меҳрязд ибн Анушервон Яздий Рашидиддин Майбудий /Мейбадий (ابوالفضل احمد بن ابى سعيد محمد بن احمد

“Кашф ул-асрор ва ʔиддат ул-аброр” (محمود) ʔзидан “Кашф ул-асрор ва ʔиддат ул-аброр”

(كشف الاسرار و عدة الابرار) [8] номли ирфоний тафсири билан давом ʔтди.

Майбудийдан кейин форс-тожик тилида ирфоний тафсирлар ʔзиш анъанага айланади. Бу силсила Шохфур Исфаройинийнинг “Тож ут-тарожим” (XII аср аср), Абу Бакр Атиқ Нишопурий/Сурободий (ваф. 1100)нинг “Тафсири Сурободий”, “Тафсир ут-тафосир”, “Сайфуддин”, “Фахрулислом” лақаблари билан танилган бухоролик Абунаср Аҳмад ибни Ҳасан Дарвожакий(ваф.1154)нинг “Латойиф ут-тафсир”, (“Латойиф ул-ирфон”, “Жавҳар ун-нафис”, “Тафсири Зоҳидий” номлари билан машҳур), Жамолиддин Ҳусайн ибн Алб ибн Муҳаммад Абулфутуҳ Розий (тахм. х. 470-525 – XI аср)нинг “Равз ул-жинон”, Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Нишопурий(тахм. х. 480-599)нинг “Тафсири басоири Яминий” номли тафсирлари билан давом ʔтади. XIII асрда ʔса Мавлоно Жалолиддин Румийнинг устози Саййид Бурҳониддин Муҳаккиқ Термизий (561-638/1165-1240) ʔзган “Тафсир” (Қуръони каримнинг “Муҳаммад” ва “Фатҳ” суралари) ҳам ирфоний тафсирлар сирасига киради.

Кейинги даврларда Яъқуб Чархий(1359-1447)нинг “Тафсири Чархий”, Мавлоно Абдурахмон Жомий(1414.7.11, Жом – 1492.8.11, Ҳирот)нинг форсийда ʔзган, аммо бизгача етиб келмаган “Тафсир”и, Ҳусайн Воиз Кошифий(1442–1505)нинг “Тафсири Ҳусайний”си ҳам ирфоний тафсирлар сирасига киради.

Назарий ва амалий Тасаввуф:

Тасаввуф ва Ирфон назарий ва амалий турларга бўлингани учун, араб тафсиршуносларидан Заҳабий ирфоний тафсирни икки хилга: “файзий-ишоравий (амалий)” ва “назарий ирфонга асосланган тафсир” деб тақсимлаган. [1: 352] Аммо эронлик олим Оятуллоҳ Маърифатнинг фикрича, бу тақсим тўғри эмас, чунки бу икки турдаги тафсирнинг фарқи фақат таъвилларининг кучлилиги ва заифлигидадир, бошқа нарса эмас.[2: 538-539]

Ирфоний тафсир ва унинг илмий асослари:

Ирфоний тафсир ʔзиш анъанаси IX асрда илк Тасаввуф назариётчиларидан бири Абу Муҳаммад Саҳл ибн Абдуллоҳ ат-Тустарий(818-896)нинг “Китоб фаҳм ал-Қуръон” (Тафсир ал-Қуръон ал-карим) номли илк ирфоний тафсири билан бошланади. Ат-Тустарийнинг тахминан 888-902 йилларда Басрада ʔзган

Қуръони карим тафсири шу турдаги сақланиб қолган сўфиёна тафсирларнинг энг қадимгиси ҳисобланади. Тахминан XII-асрнинг ўрталарида тафсир матни ат-Тустарийнинг издошларига етиб келган. Тафсир Қуръон иборалари ва ифодаларининг зоҳирий (зоҳир) ва мажозий (ботин) талқинларини, қадимги пайғамбарлар ва Муҳаммад пайғамбар صلى الله عليه وسلم суннатлари ҳақидаги ривоятлардан мисолларни, ат-Тустарийнинг ўзи ва илк сўфий мутафаккирларнинг қарашлари ва амалиёти ҳақидаги хабарларни, унинг ҳаётидан (хадд) олинган ваъзлар ва воқеаларни ўз ичига олади. Тафсир узук-юлуқ бўлиб, тахминан 1000 та Қуръон парчасини ўз ичига олади.[3: 48-50]

Қуръони карим тафсири Қуръоннинг ўзи ва Суннат асосида амалга оширилса, “таъвил” тафаккур қилиш воситасида амалга ошириладиган амалдир. Тафсирнинг мақсади Қуръон матнининг зоҳирий маъносини мукаммал тарзда тушунмоқ ва тушунтирмоқдан иборат. Шунга қарамай, баъзи бир мушобех оятларнинг мазмунини фақат “тафсир” ёрдамида очиб бўлмайди. Ана шу ердан бошлаб “таъвил”га мурожаат қилинади.

Орифлар нуктаи назаридан, Қуръон фақат зоҳирий маънолар билан чекланмайди, балки ботиний маъноларга ҳам эга бўлиб, уларни тафсирлаш зарурати бор. Бунинг учун балоғат воситалари (истиоралар, киноялар, ийҳомлар, ташбеҳлар, талмехлар...)дан ҳамфойдаланиш зарур.

Орифларнинг фикрича, Қуръон ҳам инсон каби зоҳир ва ботинга эга. Ҳар бир замон ва маконда янги илоҳий тажаллийлар пайдо бўлиб, бу олам ва инсон ҳамиша янгиланиб туради.

Ирфоний тафсирнинг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

- Қуръони карим.
- Пайғамбар Суннати.
- Орифларнинг илҳомий кашф ва мушоҳадалари.
- Ақлий ва мантикий мулоҳазалар.
- Тасаввуф амалиёти ва адабиёти.

Назарий ирфонга асосланган тафсир:

Назарий Ирфонга асосланган тафсир, асосан Шайх ул-акбар Муҳйиддин Ибн ал-Арабий (638х/1240м)нинг ирфоний мактаби ва унинг “Ваҳдати вужуд” таълимоти таъсири остида вужудга келган. Унинг шогирди ва ўғай ўғли Садриддин Қуниявий (673х) ҳамда издоши Абдурраззоқ Кошоний (730х) ҳам Қуръон тафсирида Ибн ал-Арабийнинг услубини муваффақият билан давом эттирганлар.

Ибн Арабийнинг “Футухот ул-Маккийя” ва “Фусус ул-ҳикам” каби бир қатор асарлари назарий Ирфонга асосланган тафсир намуналари ҳисобланади.

Унинг издошлари ва шарҳловчиларидан бўлмиш Абдурраззоқ Кошонийнинг тафсири ҳам шу мактабга мансубдир.

Бу услубдан кўзланган асосий мақсад Қуръон оятларига назарий ирфон ғояларини, жумладан “Ваҳдат ал-вужуд” таълимотини татбиқ қилиш бўлган.[4: 174]

Ирфоний таъвил:

“Таъвил” феъли “тафъил” бобидан бўлиб, “бирон нарсанинг ибтидоси(аввали)ни изламоқ” маъносини англатади. Дарҳақиқат, ҳамма нарсанинг аввали, амалларнинг аслини биладиган одам “таъвил”га эришади. Шу жиҳатдан, “таъвил” Аллоҳнинг иродаси билан нарсаларни уларнинг асл манбаси – ибтидосига қайтармоқ” маъносидадир.

“Таъвил” бир неча хил бўлади:

- Ақлий таъвил. Бунда муфассир тил ва суннатнинг барча қоидаларини ишга солганидан сўнг ўзининг шахсий нуқтаи назари (рай) ва фардий тафаккурига таянган ҳолда иш тутади.

- Кашфий ёки ботиний таъвил. Таъвилнинг бу тури ички кашф орқали Қуръони карим оятлари мазмунини бевосита шуҳудий (ботиний завқ) идрок этишдан иборат.[5: 52-53]

Қуръони каримнинг ирфоний тафсирлари асосан уч нарсага асосланади:

1. Кашф (ботиний(ички) шуҳуд).
2. Ирфоний(фалсафий) талқин.
3. Таъвил.

Қуръони карим тафсирининг таъвилий ва сўфиёна ёндашувини “сўфиёна тафсир” – “ирфоний тафсир” “сўфия тафсири”, “тасаввуфий тафсир” деб аташади.

Сўфий муфассир Қуръони каримни тафсир қилишда ички кашф (ботиний кашф) ёхуд шуҳуди қалбийга таянади. Бу кашф, шунингдек, маълум даражада оятнинг зоҳирий мазмуни билан ҳам алоқадор бўлади.

Сўфийларнинг Қуръони каримни тафсирлаш усуллари қуйидагилардан иборат:

- Қуръони карим оятларининг зоҳирий маъноларидан воз кечиш ва ботин тилига ишониш. Бунда кўзда тутилган маъно Қуръони карим оятларини таъвил қилиш йўли орқали қўлга киритилади. Сўфийлар ушбу “хос таъвил”ни “ишора” деб аташган.

- Бундай таъвилларнинг баъзилари қуйидагича бўлади: Жабраил – яъни, “ақли оқил” (ақлли ақл), Микоил – яъни, “Олтинчи Осмон руҳи”, Исрофил – яъни, “Тўртинчи Осмон руҳи”, Азройил – яъни, “Еттинчи Осмон руҳи”.

Ирфоний таъвил қоидалари:

Заҳабий таъкидлаганидек, ирфоний таъвилда икки асосий шарт мавжуд:[1]

1. Таъвил зоҳирий маънога мутаносиб бўлиши керак.
2. Қуръоннинг бошқа оятларидан унга далил топилиши керак.

Оятуллоҳ Маорифат таъвилнинг тўғри бўлиши учун зоҳир ва ботин ўртасида мувофиқликни таъминлаш ва мантиқий-ақлий қоидаларга таяниш зарурлигини таъкидлайди.

Ирфоний тафсирда таъвилнинг шариат зоҳирига зид бўлмаслиги, мантиқ ва ақлга асосланиши, Қуръоннинг умумий мантиғига мувофиқ бўлиши талаб қилинаётгани унинг ислоҳий хусусиятини кўрсатади. Бу нуқтаи назар Заҳабий ва Оятуллоҳ Маърифатнинг фикрлари орқали мустаҳкамланган.

Ирфоний таъвилнинг асосий аҳамияти Қуръон маъноларини тўлиқ қамраб олиш ва унинг чуқур маънавий моҳиятига етишишдир. Бунинг учун орифлар нафси поклаш, қалбни равшанлаштириш ва Аллоҳ билан ички робитани мустаҳкамлаш каби йўллардан фойдаланадилар. Шу сабабли, ирфоний таъвил ҳар доим зоҳирий маъноларни ботин билан уйғунлаштиришга уриниш сифатида қаралади.

Файзий-ишоравий тафсир:

Файзий ва ишоравий тафсирларнинг энг муҳими ва энг қадимгиси Тафсири Саҳл Тустарийдир. Тустарийнинг шахсияти ва асарларини, жумладан, шарҳини тадқиқ қилган Бавуринг каби баъзи тадқиқотчилар Тустарийнинг “Тафсири Саҳл” ва Суллабийнинг “Ал-Ҳақойиқ ас-Суллабий” ўртасидаги ўхшаш ва фарқли ҳолатларни солиштириб, шарҳнинг ҳақиқийлигига бўлган шубҳаларни бартараф этадиган далилларни топган.

Тустарий тафсирида Қуръон оятларидаги “тун” сўзи “табиий рух”, “кундуз” сўзи “руҳий рух”, “Уммул-Қура” сўзи “қалб” деб таъвил қилинган. Саҳл ат-Тустарийнинг саъй-ҳаракати, асосан, оятларнинг зоҳирий ва яширин маъноларини бирлаштиришга қаратилган бўлиб, унда номақбул талқинлар кам учрайди. Муайян тартибларга амал қилиш талаб қилинмайдиган, таржимада оятни бошдан охиригача зикр этиш фарз деб ҳисобланмайдиган ушбу тафсир турида Тустарий тасаввуфий ғояларни ҳам ифода этишга ҳаракат қилган.

Файзий-ишоравий тафсирни ботиний тафсир билан тенглаштириб бўлмайди. Чунки ишоравий тафсирда зоҳирий маънони ҳам ҳисобга олинган бўлса-да, ботиний тафсирда зоҳир рад этилади.

Файзий-ишоравий тафсирда орифлар Қуръони карим оятларини зоҳирий маънолардан фарқли тарзда, яширин ва рамзий ишоралар асосида таъвил

қиладилар. Кўп ҳолларда, бу услубдаги тафсир зоҳир ва ботин ёки шариат ва ҳақиқат ўртасини уйғунлаштиришга қаратилган уриниш ҳисобланади. Агар таъвил Қуръон ва суннатнинг зоҳирига зид бўлмаса, мақбул саналган. Шунинг учун ҳам Зарқоний ишоравий тафсир учун муайян шартларни белгилаган.[6: 89] Заҳабийнинг таъкидига кўра, бу усул асосан орифларнинг нафс тарбияси ва руҳий жиҳатдан машаққатли тажрибаларига таянади ва натижада ортикча фаҳм ва кашф йўли билан Қуръоннинг ботиний маъноларига кириб борилади.[1: 381-382]

Ишоравий-рамзий тафсир:

Бундан ташқари, Ибн ал-Арабий ишоравий-рамзий тафсир усулини ҳам қўллаган. У Қуръонни англашни ҳам илоҳий илҳом сифатида кўрган ва мўъминлар қалбига ҳам Аллоҳ томонидан илҳом этилган, деб ҳисоблаган. Ибн Арабийнинг фикрича, Қуръон маъноларининг ҳақиқий шарҳи орифлар тили орқали зоҳир бўлади.[7: 280]

Ишоравий тафсирда асосий эътибор оятларнинг руҳий ва маънавий ишораларига қаратилади, фалсафий тафсирда эса оятларни ақл ва мантиқ асосида изоҳлаш устувор бўлади. Ишорий тафсир кўпинча касбий (тажрибий) тажрибага суянса, фалсафий тафсирда ақлий мулоҳазалар асосий ўрин тутади.

Ирфоний тафсирларга муносабат:

Ирфоний тафсир кўпгина илмий баҳс-мунозараларларга сабаб бўлган. Айрим дин уламолари бундай тафсирни номақбул ва ҳатто илҳод деб билишган. Айримлари эса агар шариатнинг асосий қоидалари бузилмаса, ирфоний тафсирни қабул қилганлар.

Айрим уламолар ирфоний тафсирни ҳаддан ташқари субъектив деб ҳисоблаганлар ва унинг асосий манбага, яъни Қуръоннинг зоҳирига зид келиш хавфини таъкидлаганлар. Масалан, Имом Ғаззолий суфийларнинг баъзи таъвилларини эҳтиёткорлик билан қабул қилиш кераклигини таъкидлаган.

Ҳолбуки, Саҳл Тустарий ва Ибн Арабийнинг тафсирлари мисолида ирфоний тафсирнинг амалий татбиқоти ва унинг бевосита Қуръони карим оятларининг мазмуни билан алоқадорлигини кўриш мумкин.

Ирфоний тафсир хусусан Ибн Арабий мактаби орқали тараққий этган бўлиб, унда “Ваҳдати вужуд” (борлиқ бирлиги) ғояси марказий ўрин тутади. Бундан ташқари, Садриддин Қуновий, Абдурраззоқ Кошаний, Дафтарий ва бошқа суфий олимлар ҳам ирфоний тафсирнинг шаклланиши ва ривожига муҳим роль ўйнаганлар.

ХУЛОСА:

Ирфоний тафсир усули Қуръони каримни Тасаввуф таълимотига асосланган бир қатор талқинлар асосида тафсирлашга қаратилган усул ҳисобланади. Бироқ, сўфиёна-орифона талқинлар зоҳирпараст олимлар томонидан доимо танқидга учраб турган. Бу ҳолат ҳозирги баъзи диний арбоблар ва исломшунос олимларнинг ирфоний тафсирларга нисбатан нописандлигида ҳам кўринади.

Ирфоний тафсир Қуръон маъноларини чуқурроқ англашга хизмат қиладиган муҳим таълимотдир. У нафақат шариатнинг зоҳирий қоидаларини, балки унинг ботиний ва маънавий моҳиятини ҳам кашф этишга интилади. Бундан келиб чиқадики, ирфоний тафсир фақат илм эмас, балки қалб ва рух поклиги билан ҳам боғлиқдир.

Сўфиёна-орифона тафсирлар Қуръон ва ҳадислардаги шариат асосларини ўз ичига олади. Шундай қилиб, Ирфон аҳли нуктаи назаридан, Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бир қисмини фақат ирфоний тафсир ва таъвил, яъни, тушунтириш санъати – герменевтик метод орқали тушуниш мумкин.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. محمد حسين الذهبي، التفسير والمفسرون، ج.2. - القاهرة، دارالكتب الحديثية، ١٣٩٦ق.
2. معرفت، آيت الله. التفسير والمفسرون، مشهد، الجامعة الرضوية. ج.2. - تهران، ١٤٢٦ق.
3. Резван, Е.А. Ат-Тустари, Тафсир ал-Кур'ан ал-'азим («Толкование великого Корана») // Хрестоматия по исламу. – М. "Наука". 1994.
4. سليمان آتش، مكتب تفسير اشارى، ترجمه: سبحانى، تهران، نشر دانشگاهى، ١٣٨١ش.
5. لورى، پير. تأويلات القرآن از دیدگاه عبدالرزاق كاشانى. /ترجمه زينب پودينه آقاى. - تهران: "حكمت"، ١٣٨٣.
6. الزرقانى، مناهل العرفان. ج.2. / به كوشش احمد شمس الدين. - بيروت، دارالكتب العلمية، ١٤١٦ق.
7. ابن عربى، الفتوحات المكية، ج.١. - بيروت، دار صادر.
8. ميبىدى، ابوالفضل رشيدالدين. كشف الاسرار و عدة الابرار. ج.١. - تهران: انتشارات امير كبير، ١٣٧١. ميبىدى، ابوالفضل. كشف الاسرار و عدة الابرار. ج.2. - تهران: نشر علمى، ١٩٨٥.
- ميبىدى، ابوالفضل. كشف الاسرار و عدة الابرار. ج.٣. - تهران: نشر علمى، ١٩٨٥.
- ميبىدى، ابوالفضل. كشف الاسرار و عدة الابرار. ج.٤. - تهران: نشر علمى، ١٩٨٥.